

Аллоҳга қочинг!



11:53 / 22.02.2023 3000

Қуръони Карим банданинг Роббиси билан бўладиган алоқани юсак мақомга кўтаргандир. Аллоҳ таоло ризқ топиш масаласи ҳақида сўз юритганда:

﴿النُّشُورُ وَإِلَيْهِ رَزَقْنَاهُ مِنْ كُنُوزِ مَنَّا كَيْفَ نَشَاءُ ۚ لَوْلَا أَلَّاَرْضُ لَكُمْ جَعَلَ الَّذِي هُوَ

«У сизларга ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, унинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг. Ва тирилиш ҳам Унинг саридир» (Мулк сураси, 15-оят) деб марҳамат қилган.

Яъни, ризқ топиш учун югурмай, шошилмай, юриб ҳаракат қилиш, меҳнат

қилиш баён қилинмоқда. Оятдаги **اَوْشُمَاف** фамшу

калимасига эътибор берайлик, югуринглар демаяпти, балки юринглар деяпти. Шу билан бирга, бир жойда ўтириш эмас, балки ҳаракат, меҳнат қилишга ишора бўляпти.

Роббимиз намоз ҳақида сўз юритганда:

﴿تَعْلَمُونَ كَسْتُمْ لَكُمْ خَيْرٌ ذَلِكَمُ الْبَيْعِ وَذُرُوا اللَّهَ ذِكْرًا إِلَى فَاسَعُوا الْجُمُعَةَ يَوْمَ مِنَ الصَّلَاةِ نُودِيَ إِذَاءَ امْنُوا الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

«Эй иймон келтирганлар! Жума кундаги намозга чорланган пайтда Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони қўйинг. Агар билсангиз, ана шу ўзингиз учун яхшидир» (Жума сураси, 9-оят) деб марҳамат қилган.

Бу ерда энди юриш эмас, тезроқ ҳаракат қилиш, қадамни тезлатиш, ибодатга бораётганда ризққа, мол-дунё топишга боришдан кўра тезроқ одимлашга ишора бўлмоқда.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло жаннатни зикр қилганда нима деб марҳамат қилди? Бу ҳақдаги оятларга эътибор берайлик:

﴿لِلْمُتَّقِينَ أُعِدَّتْ وَالْأَرْضُ السَّمَوَاتُ عَرْضُهَا وَجَنَّةٍ رَبِّكُمْ مِّنْ مَّغْفِرَةٍ إِلَى وَسَارِعُوا ﴿۱۳۳﴾

«Роббингиздан бўлган мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерча бўлган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилинг» (Оли Имрон сураси, 133-оят).

الْعَظِيمِ الْفَضْلِ ذُو الْوَالِدِ كَيْشَاءٍ مَنْ يُؤْتِيهِ اللَّهُ فَضْلًا ذَلِكَ وَرُسُلِهِ يَا اللَّهُ آمَنُوا لِلَّذِينَ أُعِدَّتْ وَالْأَرْضِ السَّمَاءِ كَعَرْضِ عَرْضِهَا وَجَنَّاتٍ زَيَّنَّا مِنْ مَعْفِرَةٍ إِلَى سَابِقُوا



«Роббингизнинг мағфиратига ва Аллоҳга ҳамда Унинг расулларига иймон келтирганлар учун тайёрланган, кенглиги осмону ернинг кенглигича бўлган жаннатга мусобақалашинг. Ана ўша Аллоҳнинг фазлидир. Уни Ўзи хоҳлаган кишига беради. Аллоҳ буюк фазл эгасидир» (Ҳадид сураси, 21-оят).

Чунки бу ерда ҳаракат жаннат сари бўлмоқда, шунинг учун жаннатга бораётган одам, керак бўлса, мусобақа қилиб, шошиб бўлса ҳам ҳаракатини тезлатсин.

Энди Аллоҳ сари, Унинг ризоси сари бораётганимизда нима қилишимиз кераклигини Роббимизнинг Ўзи Каломида шундай баён қилган:

﴿مُبِينٌ نَذِيرٌ مِنْهُ لَكُمْ إِنْ إِلَى اللَّهِ إِلَى فَمَرُوا﴾

«Бас, Аллоҳга қочинг. Албатта, мен сизларга Унинг тарафидан очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман» (Зориёт сураси, 50-оят).

Ҳа, қочишимиз керак. Роббимиз сари юриш, югуриш эмас, қочиш керак, қочиш!

Тасаввур қилинг, бир уйда ёнғин содир бўлди ёки зилзила бўлди ёхуд сел келиб, йўлида учраган нарсани оқизиб кетмоқда. Бундай пайтда нима қиламиз? Қочамиз, албатта. Аммо бу қочиш бинолар остида қолиб кетмай, ёнғинда ҳалок бўлмай ёки сел оқизиб кетмасин деган қўрқув билан қочишдир.

Аммо Аллоҳ таоло сари қочиш хотиржамлик қочиши ҳисобланади. Чунки, банда фақатгина Аллоҳ таоло сари, Унинг ризоси сари қочгадагина хотиржамликка эришади. Аллоҳ таоло сари қочиш эса, У Зотнинг Ўзи буюрган намоз ва бошқа ибодатларни адо этиш ва қайтарган ишларидан қайтиш ила бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзи сари қочадиган, жаннати сари шошиб,
мусобақа қиладиган, намоз учун ҳаракатни тезлатадиган бандаларидан
қилсин!

***Доктор Умар Абдулкофий ҳафизаҳуллоҳнинг
видеосуҳбатларидан эркин таржима.***

Нозимжон Ҳошимжон